







# Планетамиз ХАБАРЛАРИ

## А. А. ГРЕЧКОНИНГ ФРАНЦИЯДА БЎЛИШИ

ПАРИЖ, 28 ноябрь. (ТАСС). Франция миллий мудофаа давлат министри М. Дебре расмий визит билан бу ерда меҳмон бўлиб турган СССР Мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали А. А. Гречко шарафига шефат берди.

Зиёфатда Франциянинг расмий кишилари ҳозир бўлдилар.

М. Дебре ҳозир бўлган кишиларга мурожаат қилиб, бундай деди: СССР Мудофаа ми-

нистрининг Францияга қилган визити ҳар иккила мамлакат ўртасидаги алоқалар доимо мустақамланиб бораётганининг далили. ҳамкорликнинг наҳот топирини ва кескинликнинг юмшатишга қаратилган сиёсатнинг рамзидир. М. Дебре Европанинг келгусида тинч бўлиши учун Франция—Совет ҳамкорлигини мустақамлашнинг алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлаб ўтди.

СССР Мудофаа министри

## ШТАБ БОШЛИҚЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

ҚОҲИРА, 28 ноябрь. (ТАСС). Араб мамлакатлари армиялари бош штабларининг бошлиқлари яқинда Кувайтда туғатган ташқи ишлар ва мудофаа министрлари кенгашининг тасвирисига биноан 12 декабрда Қоҳирада тўпланишди.

Бош штабларнинг бошлиқлари, деб хабар беради МЕН агентлиги, араб давлатларининг Исроил агрессиясига қарши курашига доир умумий ҳарбий планни ишлаб чиқишлари лозим. Бу кенгашда қабул қилинадиган тасвирлар сўнгра араб мамлакатлари мудофаа министрларининг келаси йил январь ойида бўладиган йилгиликда кўриб чиқишга тақдим қилинади.

## БЕЗОРИЛАРИНИНГ ХУРУЖИ

САНТЯГО, 28 ноябрь. (ТАСС). Чилидаги ўта реакцион фашист гуруҳларининг газдалари яна террорчилик ҳаракати қилдилар. Куроланган газдалар Коммунистик Ёшлар иттифонининг Чили пойтахти кучаларига ўз ташкилотли плакатларини ёпиштиришдан бир гуруҳга аъзоларига ҳужум қилдилар. Чили комсомолларидан бири, «Аунатени» ўрта мактабининг ўн саника ишар Укувичи Хуан Ибанес Матус пистолетдан отилган ўқ оёнига тегиб қаттиқ жароҳатланди.



## ШУМҚАДАМ МЕҲМОНЛАР

ТОКИО, 29 ноябрь. (ТАСС). Американин «Куинфин» атом суви ости кемаи бугун Иокосука портига келиб тўхтади. Бу суви ости кеманин Японияга шу ой ичида бу билан учинчи марта келиши. АҚШ 7-флотининг стратегия базасига айлантирилган Иокосука порти билан бир қаторда Америка ҳарбий денгиз флотини таъ-

## ПЕРУ ЯНГИЛИКЛАРИ

ДЕҲҚОНЛАРГА ЕР  
Перуда ўтказилган ер ислоҳоти туфайли юз мингдан зиёд деҳқон оиласи ер томордалари олинди. Бўлиб берилган лозим бўлган 3.3 миллион гектар ердан 2.5 миллион гектардан зиёдроғи деҳқонларга тарқатилди. Бундан ташқари деҳқонлар икки миллион боқ қорамол ҳам олинди.

МИЛЛИЙ БОЙЛИКЛАР — ХАЛҚҚА  
«Минеро — Перу» давлат корхонаси Серро-Верде райониди энг бой мис конини ишга туширди. Мис — Перу учун муҳим даромад манбаидир. У мамлакатнинг четга чиқараётган саноат маҳсулотларидан тушаётган бутун валютанинг ярминин беради. Саноатнинг давлат қўлига ўтиши қўн йиллар давомида чет эл монополиялари томонидан ишлатилб келинган миллий бойликларини, Перу халқининг ихтиёрига қайтариб берди.

ЛОТНЛАР ЕРДАМИДА  
Пайт яқинда Лотин Америкасида энг йирик ҳисобланган балиқ овлаш комплекси қурилиши бошлаб юборилди. Бу комплекс қурилишида Совет Иттифоқи ҳам иштирок этаётди. У Перуга 30 миллион доллар миқдорда қиз берди. Комплекс ишга тушгандан кейин йилига 180 миң тонна балиқни қайта ишлаб бери олади. Перу бошқа давлатларга балиқ уни етказиб беришда жаҳонда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди.

ПРОГРЕССИВ ҚОНУН  
Перу ҳукумати бу йил маориф ишларини ислоҳ қилиш тўғрисида қонуни қабул этди. Бунин Лотин Америкасидаги энг прогрессив қонуналardan бири деб айтиш мумкин. Бундай қонун Кубада ҳам қабул қилинган эди. Янги қонун таълим-тарбия ишларини ишлаб чиқириш билан қўшиб олаб боришни, ўқув программаларини тайёрлашда кенг жамоатчилик оммасининг иштирокини ҳам назарда тутди.

Густаво ВАЛЬКАРСЕЛЬ. (АПН).

## СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИННИНГ ВИЗИТИ ТУГАДИ

КОНАКРИ, (ТАСС). Гвинея халқи Португалия агрессиясини даф этганлигини икки йиллигини байрам қилишда катнашган ВЦСПС Президиумининг аъзоси, Ўзбекистон ССР қасаба союзлари Советининг раиси М. А. Зоилов бошчилигидаги Тинчликни ҳимоя қилиш совет комитети делегациясини визитини тугатди.

М. А. Зоилов ТАСС муҳбири билан қилган суҳбатда айтдики, Гвинея дивидида сийдиридан самимият билан кўриб олиналганини делегация аъзоларида эър тасвирлар қолдириди. Биз Гвинея Демократик партияси раҳбарлигида Гвинея халқи ўзининг революцион галабаларини ҳимоя қилишга ва бутун дунёда тинчлик учун курашга маҳкам бел боғлаганлигига яна бир бор ишондик.

Совет делегациясининг язув кетиши муносабати билан Гвинея президенти Ахмад Секу Туре Гвинея халқи билан доимо дўст ва бирдам бўлиб келаётганини учун совет халқига қизгин миннатдорчилик изҳор қилди.

## СССР ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИНИНГ 50 ЙИЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ

ДАККА, 28 ноябрь. (ТАСС). Бангладеш Халқ Республикаси пойтахти жамоатчилигининг бу ерда бўлиб ўтган йилги СССР ташқи тоғли қўниинг 50 йиллигига бағишланди. Йилгида нутқ сўзлаган сув ресурслари министри К. М. Аҳмад Совет Иттифоқда миллий масаланинг муваффақиятли ҳал этилиши, улуг социалистик халқлар оиласида илтариги барча маълум илмлатларга тенг ҳуқуқ ва имкониятлар берилиши Совет Иттифоқи эришган йирик ютуқлардан бири бўлиди, деб таъкидлади.

Совет Иттифоқининг социализм қурилишидаги бой тажрибаси, деб

## АҚШ ҲУКУМАТИДА ЎЗГАРИШЛАР

ВАШИНГТОН, 28 ноябрь. (ТАСС). АҚШ президенти Р. Никсон Қўшма Штатлар ҳукуматининг состави ўзгаришларини эълон қилди. Истеъфо бераётган мудофаа министри Мелвин Лейрд ўрнига ҳозирги пайтда соғлиқни сақлаш, маориф ва социал таъминот министри лавозимини эгаллаб турган Эллиот Ричардсон шу лавозимга тайинланди. Маъмурий ва бюджет бошқармасининг директори Каспар Уэйлбержер соғлиқни сақлаш, маориф ва социал

## ЧАД ҲУКУМАТИНИНГ ҚАРОРИ

БАНГИ, 29 ноябрь. (ТАСС). Чад ҳукумати Исроил билан дипломатия муносабатларини узиш ва у билан ҳар қандай шаклдаги ҳамкорликни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилди. Республикаи президенти Франсуа Томбалбай Чад таркизи янги бўлиб қолдиришнинг шояинчи мажлиси таом бўлгандан кейин Форт-Лами радиоси орқали сўзлаган нутқида шу тўғрисида гапирди.

Президент айтдики, Чад республикасида Исроил ваколат-

## таъминот министрлигини бошқаради.

АҚШдаги энг йирик саноат компанияларидан бири «Литтон Индастриз» президенти Рой Эш унинг ўрнига маъмурий ва бюджет бошқармасининг директори қилиб тайинланди.

Оқ уйнинг маъбуот масалалари билан шуғулланувчи секретари Р. Зиглер АҚШ президентиинг Комп-Дивидидаги (Мэриленд штати) резиденциясида Р. Никсоннинг баёотини муҳбирларга ўқиб берди.

## хонасининг бундан буён иш олиб бориши мамлакатнинг ва Африкадаги бошқа қардош давлатларнинг оёйишталлигини хавф остида қолдиради.

Исроил билан дипломатия муносабатларини узиш тўғрисидаги қарор, деди у, «Чаднинг араб халқлари билан бирдамлигига ҳеч қандай шубҳа қолдирмайди».

Ф. Томбалбай Яқин Шарқдаги аҳволга тўхталиб, Яқин Шарқдаги кескинлик Африка халқларининг оёйишталлигини тобора хавф остида қолдирмақда, деди.

## Канада министрлар кабинетининг янги состави

ОТТАВА, (ТАСС). Канада Бош министри Пьер Эллиот Трило Министрлар кабинетининг янги составини эълон қилди. Аввалги ҳукумат составидаги 11 министр, шу жумладан ташқи ишлар министри Митчелл Шарп ўз постларидан қолдирилди. Аввалги кабинетнинг 10 аъзоси янги лавозимларга тайинланди. Масалан, фан ва техника бўйича собиқ давлат министри Алстер Гиллеспи шу йил 30 октябрда парламентга ўтказилган сайловда мағлубиятга учраган Жан-Люк Пелен ўрнига эвдликлар да саноат ва савдо министрлигини бошқаради.

Ҳукумат составида 8 янги аъзо бор. Ҳукумат составига бир аёл — Жанна Соу кирди. У фан ва техника давлат министри бўлади.

«Америка Қўшма Штатлари ва бошқа капиталистик мамлакатлардаги ивартира ҳақи меҳнаткашлар маъшининг учдан бири ени ярмини умариб кетмоқда. (Газетадан).



МЕЧКАЯ МАХЛУК.  
Америкадаги «Дейли уорлд» газетасидан.  
ТАСС фотохроникаси.

# „УЧАР“ ФУТБОЛЧИЛАР

## СПОРТ

Футбол спортининг кўпчилиги севадиган туринга айланди. Спортнинг ана шу турини мухлислари тобора кўпайиб бораётгани ҳам шундан. Ҳа йил илгареқ Ўзбекистон футболининг 50 йиллиги нишонланган. 1962 йилда «Пахтакор» олий лигада олтинчи ўринни эгаллаган, бир қатор ўйинчилар СССР спорт мастери деган юксак номни олганди. Республикамиз футбол ишончилари яна хурсанд. Олий лигада чиққан «Пахтакор» командиамиз тағин Ворошиловград ва Москва, Киев ҳамда Тбилиси, Ереван, Днепродзержинск командалари ва бошқа чарм тўл усталари билан беллашиш шарафига муяссар бўлиб қолди. Фаронанин «Нефтчи», Сирдарёдаги «Янгир», Термизнинг «Автобиччи», Хоразмнинг «Янгир» коллективлари мамлакат чемпионати «А» классининг иккинчи гуруҳларидан ача мизилари ўйинлар кўрсатиб, мухлислари эътиборини қозондилар.

Яқиндаги Ўзбекистон биринчилиги учун футбол коллективларининг мусобақалари тугади. Жилзах шаҳрининг «Трул» командаси республика чемпиони номини олади.

Булар — республикамиз футболининг яхши жиҳатлари. Афсуски, бу йилга футболда кўпчилиги гаш қилдиган, мухлислари равшиндагилар воқеалар ҳам бўлди. Бундагилар жиҳатларини бартарф қилмаслик ёмон асоратлар қолдиради: агар юз берган кўпчиликлар илдида отгудек бўлса, натта футболминга доғ тушади.

СССР физкультура ва спорт комитети футбол ҳуқуқ-тартиботларини менсимовчи йилчиларни ижтисолда қўйдиган янги қарор чиқарди. Бу қарор айни мудоао бўлди. Шу тадбир фут-

болчиларнинг бир командадан иккинчи командадан, айниқса юқори лигадан пастки лигага ўтишини таъқиловчи тартиб ўрнатилди муҳим роль ўйнашга ишонамиз. Аммо айрим тренерлар «тайёр» ўйинчилар қилдириб, маҳаллий футболчиларни тарбиялаш, уларнинг маҳоратларини оширишга бефарқ қарамадилар. Ишнинг енгил қўйилиши қўзлаган бундай тренерлар ўзларини қийнамайдиган «сетлар» футболчилар назлашин ва командата қабул этилиши одад қилиб олдилар.

Республика биринчилиги якунилари кўриб чиқилди. Зироқ шу мусобақалар вақтида футбол коллективларимизда оёғини чанки босадиган тренерлар борлиги маълум бўлди. Ўзбекистон биринчилиги мусобақаларида катнашган Олмаотқ шаҳрининг «Металлург», Самарқанднинг «Коммунальник», Тошкентнинг Ёшлар футбол мактаби, Чирчиқнинг «Сплав», Тошкентнинг «Старт» командалари раҳбарлари маҳаллий футболчиларни тарбиялаш эътиборини қуяйтириб, иборатли ишлар қилдилар.

Республика чемпионати финал учрашувининг дастлабки кунда Хоразм областининг «Наримановчи» ва Гулистоннинг «Пахтачи» командалари ўзаро куч синошишди. Ўйинга ҳисоб очилмади. Учрашувда «Наримановчи» командаси номидан Ю. Саломатия ва Б. Шайхларев деган ўйинчилар қатнашди. Улар РСФСР футболчилари орасида «отининг қапқа-

си» бўлиб қўшишган. Футбол қондаларига рию қилмаганликлари учун ана шу икки «футболчи» Вологда шаҳрининг «Динамо» командиасидан ҳайдалган. Уларга бошқа футбол коллективларида катнашиш ман этилганлиги қақда РСФСР футбол федерацияси қарор чиқарган. Бирок «Наримановчи» командасининг тренера А. Губин қондабузар, интизомсиз ўйинчиларга ўз коллективидан жой берди. Тренер бу билан катта хатога йўл қўйганлигини ўша вақтда эмас, балки сал кейинроқ тушуниди. «Пахтачи» командасининг тренера Г. Черемоскини эса воқеадан хабардор бўлса ҳам, ўзини билмасликка олиб юриди. Черемоскини раҳбарлик қилётган команда ўйинида юлиб чиқолмагач, ҳалиги «футболчилар» четдан келганлигини республика футбол федерациясига маълум қилиб, норозилик маънуби топириди. Федерациянинг спорт-техника комиссияси бу ишни текшириб чиқди. Ҳали натижаси бекор қилинди. «Наримановчи» командаси мағлубиятга учради, деб ҳисобланди ва икки оёқ «Пахтачи» ҳисобига ёзилди. Шу тариқа «Пахтачи» ўйин кучи ололмаган қўш оқини эртасига олди. Бирок Г. Черемоскини кўнглидагини ичига ютиб юриди. А. Губин эса «Пахтачи» командаси аъзоларининг ҳўжжатларини диққат селанган ўрғаниб чиқди. Оқибатда Қозон шаҳрининг «Рубин» ко-

мандасидан ҳайдалган П. Желановнинг Гулистон футбол коллективидан ўйнаётганлиги маълум бўлиб қолди. Бу ҳақда олинган ҳўжжатлар бўйича республикамиз футбол федерациясига норозилик хати топширди. Спорт-техника комиссияси шояинчи мажлисига тўпланиди. П. Желанов «Пахтачи» — «Наримановчи» ҳамда «Пахтачи» — «Мехнат» (Мағорган) учрашувларида катнашган экан. Комиссия мусобақа низомига қўра, гулистонликларини бу ўйинларда олган тўрт очкодан маҳрум қилди. Икки очко олиб қилган Г. Черемоскини бир йўла тўрт очко йўқотди.

Интизомсизлиги, ичкиликбозлиги оёрибатида бошқа коллективлардан ҳайдалган бундақ саёқ футболчиларни командадан тақсиф қилишнинг янаёси шулар бўлди. Қондабузар футболчида республикамиз командиасига тўшириди. Федерациянинг спорт-техника комиссияси бу ишни текшириб чиқди. Ҳали натижаси бекор қилинди.

Республика футбол биринчилигида иштирок этган 219 футболчида 73 нафар Ўзбекистон командаларига алоқадор бўлмаган шахарлардан олинган. 24 нафари Россия федерациясидан икки киши Тожикистон ва Қозонистондан тақсиф қилинган. Шаҳарсиз райондаги Энгельс номи колхоз командаси составида 6 йилчи РСФСР командаларидан ҳайдалган футболчи-

лар оқанлиги ана ҳам таъжирбулариди.

Хоразм областининг «Наримановчи» командаси раҳбарлари «тузукроқ» футболчилар таллаб олинди репорд қўйдилар. Командадаги 16 ўйинчида билан ронтаси ҳам Хоразм областиди таёрланмаган. Командага қабул қилишга арзийдиган футболчи нахотки областга бирорта ҳам топилмас? Бу команда эвди қанаданига колхоз командиаси, деб номланарини? Дарволабон Т. Власов Термиздан чиқрилган. Ярим ҳимоячи — В. Бронников Тошкентдан тақсиф қилинган. Қолган ўйинчилар — А. Селеверстов, А. Салин, И. Антонович, В. Салин, Е. Артамонов, С. Хожин, Владислав Кузмин, Е. Федотов, В. Криганов, Г. Зюлиев, В. Филипенко эса Москва ҳамда Россия федерациясининг бошқа командаларидан олинган.

Бу ниями қўрсади? «Наримановчи» командаси раҳбарлари ўринбосарлар таёрлаш, истеъдодли ёш ўйинчиларни таллаб, тарбиялаш ўрнига «А» классига футбол юлдузларини — ўзлари тайилган тузоқ эвди ўйинчилари ердимида кўтарилишни мулкжаллашлар. Наримановчи колхоз — Хоразмнинг донги кетган ва бой ўйнадиқларидан бири. Колхоз спортли, футболни норвозлантини мақсадида катта маблаг сарфлади. Стадион қурилди, қўш қаватли «Спорт» меҳмонхонаси тикланди. Спорт анжумани сойтиб олинди. Бундан шу колхоз

## ТЕАТР

БИРИНЧИ ПРОГРАММА, 12.30 — МОСКВА, 17.55 — ТОШКЕНТ, 18.00 — МУЛТИФИЛЬМ, 18.20 — Қишлоқ клуби чироқлари, 19.00 — Ахборот, 19.15 — Шерият муҳлисари, Гулчехра Жураева, 19.30 — Халқ контроли эриши, 20.00 — «Правда» газетасининг сийеий шарҳовчиси Ю. А. Жунов телето, мошабиллар саволларига жаовоб беради, (Москва), 20.30 — Ахборот, 20.45 — Ҳа минуть музыка, 20.55 — «Ўзбекистон чорвадори», 21.25 — Кошберг, 22.00 — «Вақт», 22.30 — Муқимий номин Ўзбек Давлат музыка театрининг иккинчи нечаси, ИККИНЧИ ПРОГРАММА, 11.30 — ТОШКЕНТ, Қорли қалъа комедия, ти (телевизионик), 12.24 — Мультифильм, 17.30 — Москва, 17.25 — Ўйинчилар, 17.30 — Велозуе қишлоғи ҳақи сийеифавари, 17.45 — Оқсўйиб сийеи, 18.15 — Ягона ойнала, 18.00 — Т. Сийеиқаси кўйи, 18.15 — ТОШКЕНТ, В. И. Лейли Марказий музейининг Тошкент филиалидан репортаж, 20.30 — МОСКВА, «Кўшиқ» — 72», 20.50 — Икки кино (телефильм), 22.00 — ТОШКЕНТ, УЧИНЧИ ПРОГРАММА, 20.00 — ТОШКЕНТ, Катта йўл (бандий фильм), 21.35 — Тошкент янгиликлари, 22.00 — Ираникй Ан, дроников кино қилади (телефильм).

## ТЕАТР

НАВОИЯ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИ, 30/ХИ да Тонг олдидан 1/ХИ да Марварид илловчилар.

ХАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 30/ХИ да Мирзо Улуғбек.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 30/ХИ да Серишқилар хнебони, 1/ХИ да Халмиа.

## КИНО

Даурия — «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК» (кундуз ва кечурун).

Хамза шубҳа естида — «ТОШКЕНТ СОВЕТНИНГ 50 ЙИЛИГИ», «СПУТНИК» (кундуз ва кечурун), «СРУЖБА» (тон соатларда), САЊАТ АТ АРАБИ (кундуз соат 11, 1 ва кеч 9 да), «ЧАЙКА» (кундуз соат 11.45, 1.30 минутта ва кеч 6 да), «МОСКВА» (кундуз соат 3, 5 ва кеч 7 да).

Кулгил қиз — САЊАТ САРОФИ (кундуз соат 3 ва кеч 6.15 минутта), «ЧАЙКА» (кундуз соат 3.15 ва кеч 8.45 минутта), «МОСНВА» (кундуз соат 12 ва кеч 8.40 минутта).

У ёндагилар, тингланглар — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛИГИ» (кундуз ва кечурун).

Қилч тасқан аяли — «ККЧА» (кундуз ва кечурун).

Сайка (Ўзбек тилида) — НАВОИ, ИИ номин (кундуз ва кечурун).

Хатабали — ХАМЗА номин (кундуз ва кечурун).

Аблар — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Бош таъминот бошқармаси

ИККИ РЕСУРСЛАРНИ САРАБАР КИЛУВЧИ ХУЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ КОЙТРА

республика ташкилотлари ва корхоналариди ортинча ва фойдаланилмайдиган асбоблар, металл буюмлари, ускуналар ҳамда қимматбаҳо материалларини

СОТАДИ

шунингдек контора ташкилот ва корхоналардан ортинча ва фойдаланилмайдиган материаллар ва ускуналарни

СОТИБ ОЛАДИ

Керамик материаллар ва ускуналарга заминалар ҳамда ортинча материаллар рўйхати: Тошкент шаҳар, ГСП К. Цеткин кўчаси, 66-уй (телефонлар 33-28-23; 33-33-67) га юборилсин.

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

чет тилларини ўргатадиган пуллик курсларга

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ҳоҳлаган кишилар кандидатлик иттиҳонини топишишлари мумкин.

Машуғуллар юридик факультети (Хадрада) ва интиҳоний факультетларининг чет тиллари кафедраси (Студентлар шаҳарчасида) ўгнашлари. Мурожаат учун адрес: Студентлар шаҳарчаси, ТошДУ, Бош корпус, В.313 аудитория (ортаб соат 10 даи кундуз 5 гача).

Ўзбекистон Кўрар намятининг Марияни пралеснеси намянат Наманган область бошқармасининг собиқ райси

Кўрар намятининг АБДУЛЛАЕВИНИНГ

вафот этганини чуқур қайғу билан билиди ва марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қилади.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ, «Совет Ўзбекистони» спорт шарҳовчиси.

А. ИНОМХУЖАЕВ, республика тоифасидаги судья.

Редактор ўринбосари Х. ЕДГОРОВ.